

Мунтазир (тахаллуси; исми Юсуфкори) (1831, Кўкон — 1889, Андижон) — шоир. Кўкондаги «Мадрасаи олий»ни тугатгач, мударрислик килган. У Низомий, Хофиз, Навоий, Бедил асарларини чуқур ўрганган. Муқимий, Фуркат, Завкий, Писандий, Мухаййир, Рожий Маргинонийлар билан яқиндан танишган, адабий ҳамкорлик килган. Худоёрхон ўгли Насриддинбекни Андижонга ҳоким этиб тайинлаганда, Мунтазирни унга маслаҳатчи қилиб юборади (1860). Шу сабабли умрининг охиригача Андижонда яшаб ижод қилади.

Мунтазир ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзган зуллисонайн шоир сифатида шухрат қозонган. Мумтоз шеърятнинг анъанавий жанрларида ижод қилган, кўпроқ газал, мухаммас, мувашшах, рубоийлар ёзган. Уларда замонадан шикоят, эрк ва маърифат гоёлари ифодаланган. Мунтазирнинг «Баёзи Мунтазир» шеърлар тўплами бизгача етиб келган. Баёзга 800 мисрадан кўпроқ шеърлари қирган.

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

То кўзим ўлди дучор ул сарви гул рухсорга,  
Келмади тил хайрон этиб кўнглими гуфторга.

Ёр улким вокиф ўлгай хўблик ойинидин,  
Йўк не лозими таашшук сурати деворга.

Колмади бир зарра токат зулми жавринг хукмига,  
Мунча мойилдир нигорим хотиринг озорга.

Поймолинг ўлди жисмим, қилмадинг бир йўл нигоҳ,  
Йўкму охир бир назар мен нотавони зорга.

Яхши лутф эттингки, қаҳр айлаб, ёмон дединг мени,  
Талх сўз зебо эмишдур лаъли шаккарборга.

Бир тараххум айла, ёраб, Мунтазир янглиг мудом,  
Умри зое айлаган бадқору бадқирдорга,

\* \* \*

Десангким, фард ўлай оламда меҳри оламородек,  
Жаҳон асбобидин бир йўл дамон чеккил Масиходек.

Ўзингдин ўзга гарчи восил эрмас максудинг, гофил,  
Кўзинг оч, вокиф ўл, қўл сунма хар жонибга аъмодек.

Тамошо айла мавжи гавхари дил истикоматдин,  
Югурма хар тарафга, бу сифат саргашта дарёдек.

Мунаввар ўлса хар гах маърифат анворидин ботин,  
Тилар бу зохир айлар хар нафас луълуъи лолодек.

Тажаллий гохи зоти хак ўлур агёр накшидин,  
Кўнгил лавхи агар пок ўлса миръоти мусаффодек.

Ўлуб байт ичра пинхон, Мунтазир, элдин яшур номинг,  
Ўкуш санъатлар ила махкам ўлгон бир муаммедек.

\* \* \*

Ул ойнинг бода тоби бирла то рухсори ол ўлмиш,  
Жамоли партавидин базмимиз жаннат мисол ўлмиш.

Висолига етишгач бу кеча ахбоблар ичра,  
Дамо-дам юзланиб минг шодлик, гам поймол ўлмиш.

Лаби лаъли хаёли бирла багрим кон ўлуб хар дам,  
Кўнгул хам фикри зулфи бирла бас ошуфтахол ўлмиш,

Белу огзин йўку борини тажик ила билмакчун,  
Мадорис ахлига юз бахс ила минг кийлу кол ўлмиш.

Бу не мазхаб, паривашларгаким тортиб жафо тиги,  
Гунахсиз мубталолар конларин тўкмок халол ўлмиш.

Онингдек фуркатинг-ла заъфдин зору низор ўлдим,  
Ки холо эл кўзига хаста жисмим бил, хаёл ўлмиш.

Бугун топдим хаёти жовидон дилдор васлидин,  
Манга ўлмаклик эмди, эй ажал, амри махол ўлмиш,

Мухаббат шохрохин солики ўлсам ажаб йўкким,  
Манга ходи бу йўлда хуршиди сохибкамол ўлмиш,

Шукур, тамйизи топсанг, Мунтазир ашъоридин тонг йўк,  
Ким ул мадхин адосила ажаб ширин макол ўлмиш.

\* \* \*

Табъи мавзунинг жахон борича бир хамланмасун,  
Хотирингдин зарраи файзи сухан камланмасун.

Эй Асирий, офарин табъинггаким мулки сухан,  
Эмди сендин ўзгага харгиз мусалламланмасун.

Хак сени килсун ики дунёда андог шодким,  
Жони покинг то абад, озмунча хам гамланмасун.

Олам этсун сафхасин, мамлу сенинг назминг била,  
Этмаса мамлу сенинг, назминг-ла оламланмасун.

Сўзларингдин гар чаман касби латофат килмаса,  
Бир гули очилмасун, гулшанда хуррамланмасун.

Айлади тангри паришон хосидинг жамъиятин,  
Ахли дунё кўнглидек харгиз фарогатланмасун.

Офият бўстонида хар гуссадин озод ўлуб,  
Комати сарви балият боридин хамланмасун.

Бу сифат азбаски олий келди назминг рутбаси,  
Хеч ким бу рутбада сендин мукаддамланмасун.

Ахли маъни мадхини ўлмиш асири Мунтазир,  
Мундин ўзга маъни, ёраб, кўнглига замланмасун.

## **МУХАММАС**

Узоринг мехри кўнглим ичра тушгач, ўртаниб жоним,  
Лабинг шавкида кон ёшлар тўкиб ул чашми гирёним,  
Фирокинг дарди, хажринг ханжари бирла окиб коним,  
Йикилдим кўйинг узра бехуд, эй берахми давроним,  
Кўриб бир лутф бирла килмадинг тадбири дармоним.

Сабо, лутф этгилу, холим бориб жонона изхор эт,  
Ул ойнинг ўтли охим, конли ёшимдин хабардор эт,  
Жунун огози кил, ошиклиг атворин намудор эт,  
Фигону нолаю фарёд ила изхори гуфтор эт,  
Ки, барбод ўлди хажрингда саботу сабру сомоним.

Икки кўздин фирокинг шиддати ашким равон этмиш,  
Хамул майгун лабинг андишаси багримни кон этмиш,  
Дуто айлаб кадимни, кошларинг фикри камон этмиш,  
Кўриб бу хола кофир кўзларинг хам касди жон этмиш,  
Бу дамда бир тараххум зохир эт, эй номусулмоним.

Майи гулгун ичарсан, гайр ила хар тун тутиб сухбат,

Килиб юз лутфу эхсон гарм эдуб хангоман ишрат,  
Ютар кўнглим бу гамдин муттасил хунобаи хасрат,  
Кўриб бу холатимни меҳр ила кўрсатмадинг шафкат,  
Жамолингдан мунаввар ўлдиму бир тун шабистоним?

Азалда кисматим, эй шўх, ишкинг ибтилоцидин,  
Хазин жоним асири меҳнату хажринг балосидин,  
Кеча-кундуз бошимга меҳнату гам можаросидин,  
Бу андуху малолат бирла кўнглим муддаосидин —  
Ки, раҳм этсанг кўриб бу меҳнати беҳадду поёним.

Лаби лаълинг хаёли бирла ашким лолагун ўлди,  
Гамингдин кон ютиб хар лахза кўнглим гарки хун ўлди,  
Фирокинг шиддатицин хаста ахволим забун ўлди,  
Балою дарди хажринг, ох, кундан-кун фузун ўлди,  
Кетиб сабру карорим, етти кўкка охи сўзоним.

Давосиз дарда жонимни гирифтор айладинг охир,  
Ики чашмимни хажринг ичра хуноб айладинг охир,  
Кўнгилни, эй париваш, хуснингга 'зор айладинг охир,  
Мени солдинг бу хола, майли, агёр айладинг охир,  
Тагофулдин эшитмай бир йўли фарёду афгоним.

Юзингдин, эй пари, нури сабохат ошкор ўлди,  
Кўриб рухсори покинг меҳри анвар шармсор ўлди,  
Жахон ахли жамолинг жилвасидин бекарор ўлди,  
Кўзим чун талъатингни кўрди, кўнглум онча зор ўлди,  
Нигорим, нозаниним, махвашим, хуршиди тобоним...

Нисор этдим мухаббат махзанидин бир неча гавхар,  
Сени васфингда, эй гулбарги тар, шўхи пари пайкар,  
Бериб хар банди тўгросига исминг харфидин зевар,  
Асиринг Мунтазир кўнглим аро бир муддао гавхар-  
Ки, бўлсанг лутф этиб бир кеча жоним ичра меҳмоним.